Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

# 62 Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўрик далолатномаларини расмийлаштириш ва юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2653*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли «Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўрик далолатномаларини расмийлаштириш ва юритиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2015 йил 7 январь,
1-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2015 йил 7 январдаги
1-сонли буйруғига
ИЛОВА

## Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўрик далолатномаларини расмийлаштириш ва юритиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли «Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг бош, туман(шаҳар), туманлараро ва ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат эксперт комиссияლари-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



да (бундан буён матнда ТМЭК деб юритилади) кўрик далолатномаларини расмийлаштириш ва юритиш тартибини белгилайди.

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. ТМЭК кўрик далолатномаси (бундан буён матнда кўрик далолатномаси деб юритилади) ТМЭК кўрик натижалари бўйича хулоса (бундан буён матнда ТМЭК хулосаси деб юритилади) чиқариш учун асос бўладиган асосий тиббий маълумотлар ва ижтимоий омилларни ёзиш учун мўлжалланган ҳужжат ҳисобланади.

2. Кўрик далолатномаларини расмийлаштириш ва юритиш ТМЭКлар томонидан мазкур Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

ТМЭК кўригидан ўтиш учун юбориладиган шахсларга (бундан буён матнда кўрикдан ўтувчилар деб юритилади) мазкур Қоидаларнинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ кўрик далолатномаси расмийлаштирилади.

3. Ҳар бир ТМЭК врач-эксперти ўз хизмат вазифаси доирасида кўрик далолатномаларининг ўз вақтида ва сифатли расмийлаштирилиши учун жавобгардир.

Кўрик далолатномаларининг ўз вақтида ва сифатли расмийлаштирилиши устидан умумий назорат ТМЭК раиси томонидан амалга оширилади.

## 2-боб. ТМЭКга тақдим қилинган ҳужжатларни қабул қилиш

4. ТМЭКда кўрикдан ўтиш учун қабул қилинадиган тиббий ва бошқа ҳужжатлар (бундан буён матнда ҳужжатлар деб юритилади) даволаш-профилактика муассасасининг тиббий-маслаҳат комиссияси (бундан буён матнда ТМК деб юритилади) раиси ёки масъул шахси томонидан тақдим этилади.

Кўрикдан ўтувчилар ва бошқа шахслардан ҳужжатларни қабул қилишга йўл қўйилмайди.

5. Кўрикдан ўтиш учун ТМЭКга тақдим қилинган ҳужжатлар ТМЭК врач-экспертлари томонидан коллегиал кўриб чиқилади. ТМЭКнинг врач-экспертлари:

тиббий текширувнинг сифати, ТМЭКга ўз вақтидалиги ва юборилишининг асослилиги ҳамда тақдим қилинган ҳужжатларнинг хаққонийлигига;

ТМЭКга йўлланманинг (бундан буён матнда 088/х-шакл деб юритилади) тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлигига;

амбулатор карта ва касаллик тарихидан кўчирмаларда имзолар ва думалоқ мухр борлигига;

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаларининг берилган санаси ва муддатлари, қўйилган ташхис ва иш берувчининг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини қабул қилганлик тўғрисидаги белги қўйилганлигига эътибор беришлари лозим.

Даволаш-профилактика муассасалари томонидан расмийлаштирилган



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



088/ҳ-шаклнинг муддати бир ойдан ўтиб кетган тақдирда, ТМЭК томонидан қабул қилинмайди.

6. Уйда ёки стационарда сайёр кўрикни ўтказиш лозим бўлганда, кўрикдан ўтувчининг 088/ҳ-шакл титул варақаси юқори чап қисмига ТМКнинг кўрикни уйда ёки стационарда ўтказишни асословчи ёзма тавсияси кўрсатилади.

7. Агар ТМЭК кўригидан ўтиш вақтида кўрикдан ўтувчи республиканинг бошқа ҳудудида вақтинча яшаётган бўлса («Саҳоват» ва «Мурувват» уйлари ҳамда мажбурий даволанишдаги шахслардан ташқари) ва соғлиғи ҳолатининг оғирлиги сабабли транспортировка қилишга қарши кўрсатма бўлган тақдирда, кўрикдан ўтувчининг (қонуний вакилининг) аризасига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) билан келишилган ҳолда кўрикдан ўтувчи жойлашган ҳудуддаги Бош ТМЭК раисининг рухсати билан тегишли ТМЭКда кўрикдан ўтказилади.

Бунда, ҳужжатлар кўрикдан ўтувчи жойлашган ҳудуддаги даволаш-профилактика муассасаси томонидан расмийлаштирилади ва тегишли ТМЭКга тақдим этилади. Кўрикдан ўтказган ТМЭК томонидан кўрик далолатномаси расмийлаштирилади ҳамда ТМЭК раиси ва врач-экспертлари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқлангандан сўнг кўрикдан ўтувчи доимий рўйхатда турадиган ҳудуддаги тегишли ТМЭКга 7 кундан кечиктирмай (алоҳида ҳолатларда, узоқ туманларни инобатга олиб 10 кундан кечиктирмай) юборилади. Кўрикдан ўтказган ТМЭК томонидан юборилган кўрик далолатномасига асосан ногиронлик белгиланганда, кўрикдан ўтувчи доимий рўйхатда турадиган тегишли ТМЭК томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сонли қарори билан тасдиқланган Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома, касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилганлик даражаси белгиланганда мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда кўрик далолатномасидан кўчирма расмийлаштирилади.

ТМЭК хулосасининг тўғри белгиланиши учун кўрикдан ўтказган ТМЭК жавобгар ҳисобланади. Агар кўрикдан ўтказган ТМЭК хулосаси доимий рўйхатда турадиган ҳудуддаги ТМЭК томонидан ўзгартирилса, жавобгарлик кўрикдан ўтувчи доимий рўйхатда турадиган ТМЭК зиммасига юклатилади.

«Саҳоват» ва «Мурувват» уйлари, шунингдек мажбурий даволанишда бўлган шахслар тегишли ТМЭКларда кўрикдан ўтказиладилар. Кўрикдан ўтувчиларнинг ҳужжатлари, ушбу муассасалар жойлашган ҳудуддаги ТМК томонидан расмийлаштирилади ва тегишли ТМЭКга тақдим қилинади.

8. Ногиронлик сабабларини белгилаш учун асос бўладиган қуйидаги қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин:

«меҳнатда майибланиш» сабабини белгилаш учун — меҳнат мажбурия-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



тини бажариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса ва ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган бошқа хил шикастлар тўғрисида далолатнома;

«касб касаллиги» сабабини белгилаш учун — қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ваколатли соғлиқни сақлаш муассасасининг хулосасидан (касаллик тарихидан) кўчирма;

«болаликдан ногиронлик» сабабини белгилаш учун — ТМКнинг ногирон болага бериладиган тиббий хулосаси ёки 18 ёшгача бўлган даврда ногиронликка олиб келган касалликка чалинганлигини тасдиқловчи даволаш-профилактика муассасасининг касаллик тарихидан (амбулатор картадан) кўчирма;

«Чернобиль АЭСдаги ҳалокат туфайли майибланганлик ёки касалланганлик» сабабини белгилаш учун — ногиронликка олиб келган касалликнинг Чернобиль АЭСдаги ҳалокатни бартараф қилиш билан боғлиқлиги тўғрисидаги Республика экспертлари кенгашининг хулосаси ва кўрикдан ўтувчининг нурланиш зонасида (ҳудудида) бўлганлиги тўғрисида маълумотлар кўрсатилган ҳарбий гувоҳномаси;

«фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик», «ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида орттирилган касаллик», «ҳарбий хизматни ўташ даврида орттирилган касаллик», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги хизмат билан боғлиқ бўлмаган касаллик», «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш чоғида орттирилган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия)», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларидаги хизмат билан боғлиқ бўлмаган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия)», «ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида орттирилган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия)», «ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган бахтсиз ҳодиса оқибатида орттирилган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия)» сабабларини белгилаш учун — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ёки Миллий хавфсизлик хизмати марказий ҳарбий тиббий комиссияларининг касаллик тўғрисидаги гувоҳномаси.

9. Ишловчи кўрикдан ўтувчилар меҳнат дафтарчаси нусхасини, ишламайдиган кўрикдан ўтувчилар (уларнинг қонуний вакили) эса қачондан бери ишламаслиги тўғрисидаги маълумот кўрсатилган аризани ТМК орқали тақдим қилади.

10. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳужжатлар ТМЭКга қабул қилинмайди ва ушбу хато-камчиликларни бартараф этиш учун даволаш-профилактика муассасасига қайтарилади. Бунда ТМЭК бир вақтнинг ўзида эса ўз навбатида ушбу хато-камчиликларни рўйхатга олади.

11. ТМЭКга қабул қилинган ҳужжатлар рўйхатга олингандан сўнг кўрикдан ўтиш санаси ва вақти кўрсатилган ҳолда ТМЭКда кўрикдан ўтиш талони расмийлаштирилади ҳамда ТМК орқали кўрикдан ўтувчига етказилади.

12. ТМЭКга тақдим этилган ҳужжатларни, шу жумладан фуқаролар мурожаатларини рўйхатга олиш учун ТМЭКда тегишли журналлар юритилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



## 3-боб. Кўрик далолатномасини расмийлаштириш

13. Кўрик далолатномаси титул варақасининг 1 — 5-бандлари ТМЭК ҳамшираси томонидан тўлдирилади. Кўрик далолатномасининг қолган бандлари эса ТМЭКнинг врач-экспертлари томонидан расмийлаштирилади.

ТМЭК хулосаси чиқарилгандан сўнг кўрик далолатномасига тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди.

14. ТМЭК хулосасига кўра ногиронлик ва (ёки) касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилганлик даражаси белгиланганда, ногиронлик тўғрисида маълумотнома ва (ёки) кўрик далолатномасидан кўчирма расмийлаштирилади.

Агар ТМЭК хулосасига кўра ногиронлик гуруҳи белгиланмаган бўлса, кўрик далолатномасининг хулоса қисмига «ногиронлик гуруҳи белгиланмади» деб ёзиб қўйилади.

15. Кўрикдан ўтувчи охирги тиббий кўрикда белгиланган ногиронлик (касбий меҳнат лаёқатини йўқотилганлик даражаси) муддати тугаган кундан бошлаб беш йилдан ошган муддатда ТМЭКга мурожаат қилса, мурожаат кўрик далолатномасида «бирламчи» деб, агарда ногиронлик (касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилганлик даражаси) муддати тугаган кундан бошлаб беш йилдан ошмаган муддатда мурожаат қилса, «қайта» деб кўрсатилади.

16. Биринчи маротаба юборилган кўрикдан ўтувчиларга расмийлаштирилган кўрик далолатномаси ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни тикиш учун ТМЭКда кўрик иши очилади.

17. ТМЭК кўригидан ўтган ҳар бир ногиронга Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сонли қарори билан тасдиқланган Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги низомга асосан ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ишлаб чиқилади ва кўрик далолатномасининг реабилитация бўйича тавсиялар қисмига ҳамда 088/ҳ-шаклнинг қирқма талонига қайд этилади.

## 4-боб. «ТМЭК» дастурида маълумотлар ҳисобини олиб бориш

18. ТМЭК рўйхатида турувчи ногиронлар, касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилганлиги сабабли етказилган зарар учун тўлов пулини олувчилар (бундан буён матнда тўлов пули олувчилар деб юритилади), ногиронлик гуруҳи белгиланмаган шахслар, даволашни охиригача етказиш зарурлиги муносабати билан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси муддати узайтирилган беморлар ҳисоби ва мониторингини таъминлаш учун ТМЭК хулосалари, шунингдек ногиронлар (тўлов пули олувчилар) миграцияси ва вафот этганлиги тўғрисидаги маълумотлар «ТМЭК» дастурига киритилади.

Кўрикдан ўтувчилар тўғрисидаги маълумотлар кўрикдан ўтказилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан «ТМЭК» дастурига киритилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



«ТМЭК» дастурига маълумотларни киритиш тегишли ТМЭК врач-эксперти ва ҳамшираси зиммасига юклатилади.

Маълумотларнинг «ТМЭК» дастурига сифатли, ҳаққоний ва тўғри киритилиши бўйича жавобгарлик ТМЭК раиси зиммасига юклатилади.

19. Ҳар бир ТМЭК ўзининг хизмат кўрсатиш ҳудуди бўйича «ТМЭК» дастурига кириш имконига эга. Ногирон (тўлов пули олувчи) доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудига кўчиб ўтган бўлса, «ТМЭК» дастурига мазкур ногироннинг (тўлов пули олувчининг) рўйхатда турган ТМЭКдан чиқарилганлиги тўғрисида белги қўйилади ва янги яшаш жойи бўйича тегишли ТМЭК томонидан ногирон (тўлов пули олувчи) тўғрисидаги маълумотлар илгари берилган уникал рақам асосида «ТМЭК» дастурига киритилади.

20. «ТМЭК» дастури бўйича ишларни бошқариш, маълумотлар ҳисобини юритиш, ахборотларни сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, дастурни ишлаб чиққанлар билан келишилган ҳолда Инспекция томонидан амалга оширилади.

## 5-боб. Ногироннинг (тўлов пули олувчининг) яшаш жойи ўзгарганлиги муносабати билан кўрик ишини юритиш

21. Ногирон (тўлов пулини олувчи) доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида бошқа ҳудудга кўчиб ўтган тақдирда, кўрик иши ногироннинг (тўлов пули олувчининг) янги кўчиб ўтган жойидаги ТМЭКнинг мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги сўровномаси асосида ТМЭК раисининг имзоси ва муҳр билан тасдиқланган конвертда почта орқали юборилади ёки ногиронга (тўлов пулини олувчига) ёхуд уларнинг қонуний вакилига мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида берилади.

Сўровнома ногироннинг (тўлов пулини олувчининг) паспортида янги яшаш жойида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги белги асосида берилади.

Кўрик иши ТМЭК сўровномани қабул қилиб олган кундан бошлаб икки иш кунида берилиши (юборилиши) лозим.

Қабул қилиш-топшириш далолатномаси икки нусхада расмийлаштирилади. Бунда унинг бир нусхаси ТМЭКда қолдирилади, иккинчи нусхаси эса кўрик ишига тикилади.

Қуйидагилар қонуний вакил ҳисобланадилар:

яқин қариндошлар (эр, хотин, ота-она, болалар, туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, боболар, бувилар, невaралар);

боқувга олувчилар ёки боқувга олинган ўғиллар (қизлар);

васийликка ёки ҳомийликка олувчилар;

нотариал расмийлаштирилган ишончнома асосида бошқа шахслар.

22. Агарда ногирон (тўлов пулини олувчи) Ўзбекистон Республикасининг битта ҳудуди (вилоят) доирасида доимий яшаш учун бошқа туманга (шаҳарга) кўчган тақдирда, сўровнома ва кўрик ишларини қабул қилиш-топшириш бевосита тегишли ТМЭКлар ўртасида амалга оширилади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



23. Кўрик иши ногироннинг (тўлов пулини олувчининг) янги яшаш жойидаги ТМЭКда тегишли журналда рўйхатга олинади.

24. Қабул қилиб олинган кўрик иши ТМЭК врач-экспертлари томонидан ўрганиб чиқилади. Агар ногироннинг (тўлов пули олувчининг) соғлиғи ҳолати ва ҳаёт фаолиятининг чекланиш даражаси ўзгарганлиги аниқланса, ногирон (тўлов пули олувчи) белгиланган тартибда қайта кўрикдан ўтказилади.

25. Ногирон (тўлов пули олувчи) янги яшаш жойидаги ТМЭК томонидан рўйхатга олингандан сўнг мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада рўйхатга олиш тўғрисида маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилиб, унинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилади, иккинчи нусхаси эса кўрик ишига тикилади.

26. Ногирон (тўлов пули олувчи) рўйхатда турган ТМЭК томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига кўчиб кетаётган ногиронларга (тўлов пули олувчиларга) мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда ногироннинг (тўлов пули олувчининг) асосий индивидуал параметрлар идентификацияси тўғрисидаги хабарнома икки нусхада расмийлаштирилиб, унинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли туман (шаҳар) бўлимига юборилади, иккинчи нусхаси эса ТМЭКда қолдирилади.

27. Ногирон (тўлов пули олувчи) ижтимоий (пенсия) таъминоти бўйича халқаро шартномалар тузилмаган давлатларга доимий яшаш учун кўчиб кетган тақдирда, кўрик ишидаги барча ҳужжатлардан нусха берилади. Кўрик ишининг асли ТМЭКда сақланади.

Ногирон (тўлов пули олувчи) доимий яшаш учун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги қатнашчилари бўлган давлатларга кўчиб кетган тақдирда, ногирон (тўлов пули олувчи) ёки унинг қонуний вакилига унинг аризаси ва рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисида белги қўйилган паспорт нусхаси асосида кўрик ишининг асли берилади.

28. Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун бошқа мамлакатдан кўчиб келган фуқаронинг кўрик иши янги яшаш жойи бўйича тегишли ТМЭКга тақдим қилинади.

Ушбу фуқароларни ТМЭК рўйхатига олиш мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 6-боб. Кўрик ишларини ТМЭКда сақлаш

29. Кўрик ишлари ногирон (тўлов пули олувчи) рўйхатда турадиган ТМЭКда сақланади.

Берилган (юборилган) кўрик иши билан боғлиқ ҳужжатлар (сўровнома, қабул қилиш-топшириш далолатномаси) алоҳида йиғма жилдда сақланади.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



Кўрик ишларини сақланиши бўйича жавобгарлик ТМЭК раиси ва ҳамшираси зиммасига юклатилади.

30. Объектив сабабларга кўра (ёнғин, сув босиши ва бошқа техноген ва фавқулодда ҳолатларда) кўрик иши йўқолган ёки сақланмаган тақдирда, охирги кўрик далолатномаси дубликат шаклида тикланади.

31. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан ҳар ойнинг 10 санасигa қадар ўтган ойда вафот этган ногиронлар (тўлов пули олувчилар) рўйхати мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда ТМЭКларга тақдим этилади.

## 7-боб. Якуний қоидалар

32. Кўрик далолатномаларини расмийлаштириш тартиби ва юритилиши бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш Инспекция ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош ТМЭКлари томонидан амалга оширилади.

33. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Соғлиқни сақлаш вазири* *А. АЛИМОВ*

*2015 йил 6 январь*

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири* *А. АБДУХАКИМОВ*

*2015 йил 6 январь*



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида
кўрик далолатномаларини расмийлаштириш
ва юритиш қоидаларига
1-ИЛОВА

________________ «____» -сон ________________________ ТМЭК
(Республика, вилоят, шаҳар) (шаҳар, туман, туманлараро, ихтисослаштирилган)

**____________- сонли**
**КЎРИК ДАЛОЛАТНОМАСИ**

1. Кўрик бошланган сана ____________
Ўтказилган сана ________________
Тугатилган сана ________________
Кўрик ўтказилган жой ______________________________
(аниқ кўрсатилсин)

2. Ф.И.О. ______________________________________
________________________________________________

3. Туғилган куни, ойи, йили ____________________________
4. Паспорт серияси ва рақами ___________________________
ким томонидан берилган _______________________________
5. Манзили ____________________________________________
________________________________________________
________________________________ тел. _______________
6. ТМЭКга мурожаат этиш сабаби ________________________
7. ТМЭКга мурожаат этиш ______________________________
(бирламчи, қайта)

8. ТМЭК I шакл бўйича шифр ________ МКБ 10 бўйича ________
9. Маълумоти: йўқ, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий *(тагига чизилсин)*
10. Иш жойи __________________________________________
________________________________________________
11. Мутахассислиги (малакаси) __________________________
12. Асосий касби ______________________________________
13. Охирги йилда ўртача иш ҳақи _______________________
14. Пенсия миқдори: тўлиқ, қисман, олмайди ______________
*(тагига чизилсин)*

15. Бажараётган иши тури ва шароити ____________________
________________________________________________
16. Ишни қандай бажаради _____________________________
________________________________________________
17. Ишламайди ________________________________________
*(қачондан, сабаби)*

18. Касбий малака: етарли, етарли эмас, паст, йўқ *(тагига чизилсин)*
19. Меҳнат қилишга муносабати: ишни давом эттириш, бошқа енгил ишга



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



ўтиш, иш ҳажмини ва соатини камайтириш, янги касб ўрганиш, янги касб эгаллаш учун ўқиш, ишлаш учун хоҳиш йўқ ва б. *(тагига чизилсин)*

20. Коммунал турмуш ва оилавий шароити ____________________

____________________

21. Ижтимоий кўникма даражаси: яхши, ўрта, паст, йўқ *(тагига чизилсин)*

22. ТМЭКга юборган муассаса номи ____________________

## ЭКСПЕРТ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

23. Шикоятлари ____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

24. Клиник-меҳнат анамнези ____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

25. Алоҳида объектив маълумотлар: бўйи ______ см, вазни ______ кг.

26. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик динамикаси (охирги 12 ойда)

____________________

____________________

____________________

27. Врач экспертларнинг кўрик натижалари:

27а. Эксперт — терапевт кўриги ____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________

____________________



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



_____________ (_______________________)
(имзо) (Ф.И.О.)

27б. Эксперт — жарроҳ кўриги

_____________ (_______________________)
(имзо) (Ф.И.О.)

27в. Эксперт-невролог кўриги



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________

______________ (________________________)
(имзо) (Ф.И.О.)

27г. Бошқа эксперт мутахассислар кўриги ______________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________

______________ (________________________)
(имзо) (Ф.И.О.)

28. Тиббий текшириш натижалари (функционал, лаборатор, рентгенологик ва б.)

______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



**29. Клиник — эксперт ташхис:**

29а. Асосий

29б. Йўлдош



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________

29в. Асоратлари ________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________
____________________________________________

## ТМЭК ХУЛОСАСИ

30. Организм функциясини бузилиш тури:

(психик; тил ва нутқ; сенсор; статодинамик; қон айланиш; нафас олиш; овқат ҳазм бўлиш, ажратиш; қон яратилиш; модда ва энергия алмашиш; ички секреция; иммунитет функциялари; жисмоний майиб-мажруҳлик билан боғлиқ бузилишлар) *(тагига чизилсин)*

31. Организм функциялари турғун бузилиши (енгил, ўрта, ифодаланган, кучли ифодаланган) ________________________ даражада.

32. Ҳаёт фаолияти чекланиш тури ва даражаси:

а) ўз-ўзига хизмат кўрсатиш лаёқати ________________ даража;

б) мустақил ҳаракатланиш лаёқати ________________ даража;

в) мўлжал олиш лаёқати __________________ даража;

г) муомала қилиш лаёқати __________________ даража;

д) ўз хулқ-атворини назорат қилиш лаёқати ___________ даража;

е) ўқиш, билимларни ўзлаштириш ва такрорлаш, малака ва кўникмаларни эгаллаб олиш лаёқати __________________ даража;

ж) меҳнат фаолияти билан шуғулланиш лаёқати ________ даража.

33. Ногиронлик гуруҳи ______________________________

34. Касбий меҳнат лаёқати йўқотилганлик даражаси _____________
(______%) (сўз билан ёзилади)

35. Ногиронлик сабаби ______________________________
(амалдаги қонунчилик асосида)

36. Ногиронлик муддати _____________________________
(амалдаги қонунчилик асосида)



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



37. Ногиронликнинг даврий муддати: 20____ йил «1» __________ гача
38. Қайта ТМЭКдан ўтиш муддати: «____» __________ 20___ йил
39. Дастлаб ногиронлик келиб чиққан вақти ____________________
(зарурат туғилганда)

40. ТМЭК хулосасини чиқариш учун асос бўлган ҳужжатлар: __________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________

41. ТМЭК хулосасини қисқача асослаш: ____________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________

42. Қайта ТМЭК кўригидан ўтаётганлар учун:
42а. ДПМда диспансер кўрик ўтказилиши даражаси ____________
(сиcтематик, эпизодик, ўтказилмаган)

42б. ТМЭКка асосли ёки асоссиз юборилган *(тагига чизилсин)*
43. Расмийлаштирилган ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома:
Серияси ______________ тартиб рақами ______________
44. Расмийлаштирилган кўрик далолатномасидан кўчирма:
(меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинган кўрикдан ўтувчиларнинг белгиланган касбий меҳнатга лаёқатининг йўқотилиш даражаси)
Серияси ______________ тартиб рақами ______________

45. ТМЭК раиси: ______________ (______________)
(Ф.И.О.)

Аъзолари: ______________ (______________)
(Ф.И.О.)

______________ (______________)
(Ф.И.О.)

______________ (______________)
(Ф.И.О.)

______________ (______________)
(Ф.И.О.)

М.Ў.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



## Кўрик далолатномаси сифати ва назорат кўрик натижалари бўйича Бош ТМЭКнинг ХУЛОСА ВА КЎРСАТМАЛАРИ

______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________

Хулоса: ______________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________

Кўрсатма ва эътирозлар: _______________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________
______________________________________________

Бош ТМЭК раиси ____________________ (____________________)
(Ф.И.О.)

Аъзолари: ____________________ (____________________)
(Ф.И.О.)

____________________ (____________________)
(Ф.И.О.)



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



М.Ў. ____________________ (____________________)
(Ф.И.О.)

____________________ (____________________)
(Ф.И.О.)

## РЕАБИЛИТАЦИЯ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

I. Тиббий реабилитация:

Қайта тиклаш учун даволаш усули ____________________

____________________

____________________

____________________

Реконструктив операцияга тавсия ____________________

____________________

____________________
(операция тури кўрсатилсин)

Ёрдамчи техник воситаларига тавсия ____________________
(тури кўрсатилсин)

Протез маҳсулотига тавсия ____________________
(тури кўрсатилсин)

Ортопедик маҳсулотга тавсия ____________________

____________________
(тури кўрсатилсин)

Эшитиш аппаратига тавсия ____________________

Ногиронлик аравачасига тавсия ____________________
(тури кўрсатилсин)

II. Ижтимоий реабилитация:

Касбий-эргономик мосламага тавсия ____________________

____________________

Реабилитация марказига тавсия ____________________

____________________

Инфраструктурани мослаштирилишига тавсия ____________________

____________________

____________________

Махсус ўқув муассасаларида ўқиш ва тарбия олишга тавсия ____________________

____________________

Доимий давлат ижтимоий ёрдамига тавсия («Мурувват» ва «Саховат» уйи) ____________________

____________________

III. Касбий реабилитация:

Касб-ҳунарга ўқитилишга тавсия, иш жойида, ўрта-махсус, олий ўқув



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



юртларида ва махсус билим масканида ______________________________
________________________________________________________________

Ишга рационал жойлаштиришга тавсия: оддий меҳнат шароитида, маълум чекланган шароитда, махсус иш шароитида, уй шароитида *(тагига чизилсин)* ______________________________

Меҳнат жойи учун махсус-техник воситаларни, мосламаларни яратиб беришга тавсия ______________________________
________________________________________________________________
________________________________________________________________

Тавсия этилган меҳнат турлари ______________________________
________________________________________________________________
________________________________________________________________

Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида
кўрик далолатномаларини расмийлаштириш
ва юритиш қоидаларига
2-ИЛОВА

____________ вилоят (Республика)
______-сонли ____________ ТМЭК раисига

## СЎРОВНОМА

Сиздан ______________________________ манзилда яшовчи
________________________________________________________________ни
(Ф.И.О.)

________________________________________________________________даги
манзилга доимий яшаш учун кўчиб келганлиги сабабли кўрик ишини юборишингизни сўраймиз.

Ногиронлик гуруҳи ___________ сабаби ______________________
муддати ______________________ йилгача, касбий меҳнат лаёқати йўқотилиш даражаси ____________________% ______________да _____ -сонли
(сўз билан ёзилади) (сана)

ТМЭК кўригидан ўтган.

Ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома серияси ______ № __________

Кўрик далолатномасидан кўчирма серияси _______ № __________

ТМЭК баённомаси № _______ ____________________
(сана)

№ ______- сонли ТМЭК раиси: ____________ ____________
(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида
кўрик далолатномаларини расмийлаштириш
ва юритиш қоидаларига
3-ИЛОВА

## ҚАБУЛ ҚИЛИШ-ТОПШИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

«___» ______________ 20___ йил.

Биз қуйидаги имзо чекувчилар ____-сонли ТМЭК раиси ______________
(Ф.И.О.)

ҳужжатни топширувчи ва фуқаро ______________________________
(ногирон, тўлов пули олувчи ёки уларнинг қонуний вакили)

ҳужжатни қабул қилиб олувчи, қуйидаги ҳужжатларни қабул қилиш-топшириш тўғрисида ушбу далолатномани туздик.

1. Кўрик иши (кўрик далолатномалари ва мавжуд ҳужжатлар) ____ варақдан иборат.

2. Кўрик ишидаги мавжуд бўлган ҳар бир ҳужжатнинг тўлиқ номи (рўйхат асосида) ёзилади:

1. ______________________________
2. ______________________________
3. ______________________________
4. ______________________________
5. ______________________________
6. ______________________________
7. ______________________________

Топширдим

________-сонли ТМЭК раиси ____________ ____________________
(имзо) (Ф.И.О.)

Қабул қилдим ____________ ____________________
(имзо) (Ф.И.О.)



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида
кўрик далолатномаларини расмийлаштириш
ва юритиш қоидаларига
4-ИЛОВА

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
______________ туман (шаҳар) бўлимига

**РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТНОМА**

_____________________________________________ ________________
(Ф.И.О.) (туғилган санаси)

_______________________________________________________ манзилда яшовчи
ногиронлик гуруҳи __________ сабаби ___________________________________
_________________________________ муддати _____________________ йил-
гача, касбий меҳнат лаёқатини йўқотилиш даражаси _____________________
(сўз билан ёзилади)

(____%) билан «____» ___________ 20___ йилдан ногирон (тўлов пули олувчи) сифатида _________________________________________ _______-сонли ТМЭК рўйхатига олинди.

_______-сонли ТМЭК раиси __________ ________________________
(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.

Топширилган сана «____» ___________ 20___ й.

____________ ___________________________
(имзо) (ТМЭК ходимининг Ф.И.О.)

Қабул қилинган сана «____» ___________ 20___ й.

____________ ___________________________
(имзо (БТПЖ ходимининг Ф.И.О.)



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида
кўрик далолатномаларини расмийлаштириш
ва юритиш қоидаларига
5-ИЛОВА

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
______________ туман (шаҳар) бўлимига

**Ногирон (тўлов пули олувчи)нинг асосий индивидуал параметрлар идентификацияси тўғрисидаги**
**ХАБАРНОМА**

Асосий индивидуал параметрлар ______________________________
(Ф.И.О.)
________________________ Паспорт серияси _____ № ______________
Яшаш манзили ________________________________ ногиронлик гуруҳи _____________ сабаби _______________ муддати _____________ йилгача, касбий меҳнат лаёқатини йўқотилиш даражаси __________ (%) муддати __________ йилгача
(сўз билан ёзилади)

Ногиронлик тўғрисида маълумотномаси серия _____ № ___________

Кўрик далолатномасидан кўчирма серия _______ № ____________

Баённома № _____ «___» _________________
(сана)

______-сонли ТМЭК раиси __________ ____________________
(имзо) (Ф.И.О.).

М.Ў.

Топширилган сана «___» __________ 20___ й.

_____________ ________________________
(имзо) (ТМЭК ходимининг Ф.И.О.)

Қабул қилинган сана «___» ___________ 20___ й.

_____________ ________________________
(имзо) (БТПЖ ходимининг Ф.И.О.)



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2015 yil 9 fevral holatiga



Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида
кўрик далолатномаларини расмийлаштириш
ва юритиш қоидаларига
6-ИЛОВА

______________ вилоят (Республика)
_____-сонли ___________ ТМЭК раисига

**Вафот этган ногиронлар (тўлов пули олувчилар)**
**РЎЙХАТИ**

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси _________________ туман (шаҳар) бўлими 20_____ йилнинг ______________ ойида вафот этган ногиронлар (тўлов пули олувчилар) рўйхатини юбормоқда

| Т/р | Ф.И.О. | Туғилган санаси | Паспорт серия, рақами | Вафот этган санаси |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

БТПЖ бўлим бошлиғи _____________ ___________________________
(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.



WWW.LEX.UZ